

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХИМОВ САИДРАСУЛ САИДАКБАРОВИЧ

**УГЛЕВОДОРОД ХОМАШЁЛАРИНИ ҚУВУРЛАРДА ТАШИШ
ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛ ИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.08 – «Нефт ва газ кимёси ва технологияси»

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of doctor of filosofia (PhD)

Абдурахимов Саидрасул Саидакбарович

Углеводород хомашёларини кувурларда ташиш жараёнини оптимал
иш параметрларини ишлаб чиқиш..... 3

Абдурахимов Саидрасул Саидакбарович

Разработка оптимальных режимных параметров процесса перекачки
углеводородного сырья в трубопроводах..... 21

Abdurahimov Saidrasul Saidakbarovich

Development of optimal operating parameters for the process of pumping
hydrocarbon raw materials in pipelines 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХИМОВ САИДРАСУЛ САИДАКБАРОВИЧ

**УГЛЕВОДОРОД ХОМАШЁЛАРИНИ ҚУВУРЛАРДА ТАШИШ
ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛ ИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.08 – «Нефт ва газ кимёси ва технологияси»

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/T3807 - рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифаси (www.iopx.uz) va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туробджанов Садриддин Махаматдинович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Сайдахмедов Шамшитдин Мухтарович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Тураев Толиб Бозорович
техника фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги илмий даража берувчи DSc.02/30.12.2019.K/T35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «11» январь соат 14⁰⁰ да мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел.: (99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-56-60, e-mail: iopxanguz@nuu.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел.: (99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2023 йил « 29 » декабрь куни тарқатилди.
(2023 йил « 29 » декабрдаги № 9-рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Ш.А. Кулдашева
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш котиби, к.ф.д., проф.

И.Д. Эшметов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефт ва газни, шунингдек, уларни қайта ишлаш маҳсулотларини ташиш катта иқтисодий аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай халқ хўжалиги тармоғидаги саноат корхоналарининг ишлаши замонавий энергия ресурслари билан ўз вақтида таъминланишига боғлиқ. Бунда нефт ва газ маҳсулотларини ташиш учун асосий воситаси бўлган қувурлар жуда муҳим рол ўйнайди. Қувурларини босимини лойиҳалашда асосий вазифа – бу ўтказувчанлик хусусиятини (сарф), қувур линиясидаги босимнинг йўқолишини аниқлаш ҳамда қувур линиясининг мақбул диаметрини танлашдир (суюқлик оқими). Шу сабабли, иссиқлик йўқотишларини камайтириш орқали қурилмаларнинг иссиқлик самарадорлигини ошириш, хизмат муддатини узайтириш орқали, нефт маҳсулотларини завод ичида ташиш учун технологик қувур линияларда гидродинамик шароитларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда, қувурлар ичида ҳаракатланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қувурларнинг гидравлик қаршилигини пасайтириш, суюқ углеводородларнинг гидродинамик хусусиятларини яхшилаш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада углеводород хомашёсини ташиш ва уларни термик ишлов беришни самарали ташкил этиш, қувурларда ва қувурли иссиқлик алмаштиргичларда нефтгазконденсати аралашмалари оқимларининг гидродинамикасини ўрганиш, энергия сарфини камайтириш, шунингдек, кўриб чиқиладиган жараёнларнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада нефтни қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариш сифатини ошириш, модернизация ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ва сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг турларини кенгайтиришга қаратилган илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш”¹ йўналишидаги вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, нефтни қайта ишлаш заводларида нефтни қайта ишловчи қурилмалар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири қувурли иссиқлик алмашувчилари ва қувурларда нефтгазконденсати хомашё оқимларининг мақбул гидродинамик режимларини таъминлайдиган ташишни ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021-йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефт кимёси ва нефтни қайта ишлаш, шунингдек, кимёвий технологиялар жараёнлари ва аппаратлари, нефт ва газ конденсатларини ташиш соҳасидаги кенг кўламли муаммоларни ҳал қилишга С.С. Попов, Ю.А Афиногентов, А.С. Дидковская, С.М. Дудин, А.Н. Шиповалов, Д.В. Новицкий, Pietrzykowski Marek, Szulc Krzysztof, С.А. Аҳмедов, С.А. Багатуров, О.Ф. Глаголева, В.М. Капустина, А.К. Мановян, З.С. Салимов, Н.Р. Юсупбеков, С.Г. Зокиров, Ш.М. Гулямов, Н.У. Ризаев, Х.С. Нурмухамедов, Ш.М. Саидахмедов, С.А. Абдурахимов, Т.З. Раҳмонов, А.М. Хурмаматов ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари бағишланган.

Нефтни қайта ишлаш, нефт кимёси, кимё технологияси, суюқ углеводородларни қувурларда ташиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида, технологик қувурларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш асослари яратилди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Шу билан бирга, суюқ углеводородларни ташиш жараёнларининг гидродинамикасини ва турли конструкциядаги қувурлар ва қурилмаларнинг гидравлик қаршилигини ҳамда технологик суюқликларни ташийдиган насосларнинг қувватини ўрганиш, суюқ углеводород оқимларининг гидродинамик режимларининг қувурли қурилмаларда ҳаракатланиш самарадорлигига таъсири ва хомашёни ташиш учун энергия харажатларини камайтириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А13-140 «Гидродинамик режимларни оптималлаштириш орқали бирламчи ҳайдаш учун углеводород хомашёсини иситиш жараёнларининг энергия тежовчи технологиясини ишлаб чиқиш» (2014-2017 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади углеводород хомашёсини қайта ишлаш жараёнида оқимнинг гидродинамик кўрсаткичларини яхшилаш учун углеводород аралашмаларини ташиш жараёнининг мақбул режим кўрсаткичларини аниқлаш ва қувурлар ичида конструктив ўзгаришларни амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефт ва газ конденсатининг зичлиги, қовушқоқлиги, мақбул нисбати, ҳарорат ва хомашё сарфининг қувурлардаги оқим режимига таъсирини аниқлаш;

нефт, газ конденсати ва уларнинг аралашмаларининг иссиқлик сиғими ва иссиқлик ўтказувчанлигини аниқлаш;

нефтгазконденсати хомашёсининг режим кўрсаткичларининг горизонтал қувурнинг гидравлик қаршилигига таъсирини аниқлаш;

қувурлар ичидаги углеводород оқимининг гидродинамик кўрсаткичларини яхшилаш учун иссиқлик алмаштиргичда конструктив ўзгаришларни амалга ошириш;

ишлаб чиқаришда нефт, газ конденсати ва уларнинг аралашмаларини ташиш учун қувурларнинг мақбул конструктив кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нефт, газ конденсати ва уларнинг турли нисбатлардаги аралашмалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини углеводород хомашёсини қайта ишлаш жараёнида суюқ углеводородларни қувурлар ичида ташиш жараёнлари ва қурилмалари реконструкция қилиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тажрибаларни режалаштириш, экспериментал маълумотларни статистик қайта ишлаш, нефт ва ундан олинган маҳсулотларнинг физикавий ва термофизикавий хусусиятларини аниқлаш, ўхшашлик назариялари ва моделлаштириш тамойиллари, экспериментал маълумотларни компьютерда қайта ишлаш ва кимё техникасидаги математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нефт, газ конденсати ва уларнинг аралашмаларининг иссиқлик ўтказувчанлиги $\lambda=0,1618$ Вт/м·К ва иссиқлик сиғими $C=1,78$ кДж/(кг·К) аниқланган;

углеводород оқимини 31°C ҳароратда $74\%\text{ГК}\div 26\%\text{Н}$ нисбатда ташишда оптимал иш кўрсаткичлари яъни: аралашманинг зичлиги $\rho=772$ кг/м³, кинематик қовушқоқлиги $\nu=1,16$ мм²/с, динамик қовушқоқлик $\mu=0,895\cdot 10^{-3}$ Па·с, Рейнолдс сони $Re=167$, гидравлик қаршилик $\Delta P=8,5$ кПа аниқланган;

иссиқлик алмаштиргич қувурлари ичидаги углеводород оқимининг гидродинамик кўрсаткичларини яхшилаш учун турбулизатор ўрнатилиб, унинг натижасида линиянинг умумий гидравлик қаршилиги 11,7% га, хомашёни ташиш учун қувват сарфи 33,7% гача камайиши ва йилига 487 200 кВт/соат гача энергия тежалиши исботланган;

нефт, газ конденсати ва уларнинг аралашмаларини ишлаб чиқаришда ташиш учун горизонтал қувурнинг оптимал диаметри $D=273/8$ мм эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

углеводород хомашёсини қайта ишлаш жараёнида нефтгазконденсати аралашмаларининг ҳарорати, қовушқоқлиги ва зичлиги, компонентларнинг аралашмадаги нисбати ва қувур линияси диаметрининг гидродинамик оқим режимларига таъсири аниқланган;

нефтгазконденсати аралашмаларининг ҳарорати, ҳаракат тезлиги ва таркиби технологик қувурлардаги умумий гидравлик қаршилигига таъсири аниқланган;

хомашё айланаётган оқимнинг горизонтал қувурлар орқали ташиш интенсивлигига таъсири исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий натижаларнинг тажрибалар маълумотларига мос келиши, шунингдек, тадқиқот асосида ҳисобланган ва лойиҳалаштирилган қурилманинг муваффақиятли саноат эксплуатацияси билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, углеводород хомашёсини иссиқлик алмаштиргич қувурлари ичида уларнинг физикавий ва термофизикавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарадорлигини ошириш, ташишнинг янги технологик ечим ишлаб чиқиш, иссиқлик алмаштиргич қувурлари ичидаги углеводород оқимининг гидродинамик кўрсаткичларини яхшилаш учун турбулизатор ўрнатишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефтгазконденсати оқимининг дастлабки ҳароратининг ошиши ҳисобига иссиқлик алмаштиргич ва горизонтал қувур линиясининг гидравлик қаршилигининг пасайиши ҳамда ўқув жараёнида кимё ва кимёвий технология йўналиши бўйича таълим муассасаларида магистр ва бакалаврларни тайёрлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Углеводород аралашмаларининг қувурлар ичида ташиш учун гидродинамик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича илмий натижалар асосида:

иссиқлик алмаштиргичларда нефтгазконденсати оқимини ташиш учун мақбул гидродинамик шароитлар «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2023 йил 3 августдаги 02-03-01/120-сон маълумотномаси). Натижада, тизимнинг умумий гидравлик қаршилиги 11,7% га, хомашёни ташиш учун қувват сарфи 33,7% га камайтириш имконини берган;

углеводородларни қувурларда ташиш жараёнининг мақбуллаштириш усули «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2023 йил 3 августдаги 02-03-01/120-сон маълумотномаси). Натижада, углеводород аралашмаларининг гидродинамик кўрсаткичлари яхшиланиб, йилига 487200 кВт/соат гача энергия тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг асосий натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертацияларнинг асосий

натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, 4-таси республика ва 2-таси халқаро журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 100 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, саноат тажриба-синовлари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациясининг «**Суюқ углеводородларни ташиш назарияси ва амалиётининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида суюқликларни қувурларда ҳаракатланишининг асосий характеристикалари, гидродинамик жараёнларнинг асосий қонуниятлари ва суюқ углеводородларни ташишда гидродинамика соҳасидаги ишлар таҳлили батафсил кўриб чиқилди. Илмий-техник адабиётларда келтирилган горизонтал қувурда суюқлик ҳаракатининг қонуниятлари таҳлили ўтказилди. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Углеводород хомашёсининг физик-кимёвий таркибини ўрганиш ва термофизикавий хусусиятларини ҳисоблаш**» деб номланган иккинчи бобида Кўкдумалоқ нефти, газ конденсати ва уларнинг аралашмаларининг физикавий ва термофизикавий хоссаларини аниқлаш ва ўлчаш усуллари келтирилган (1-жадвал).

Нефт ва нефт маҳсулотларининг термофизикавий кўрсаткичларини иситиш вақтида оқувчанлигини ўрганиш учун тадқиқот олиб борилиб, қувурларни иситиш учун энергия сарфини ва ҳисоблашни амалга ошириш имконияти яратилди (1-расм).



1 – сифим; 2 – аралаштиргич; 3 – электр мотор; 4 - тумблер; 5 – суюқлик; 6,7,10 – термометрлар; 8 – қопқоқ; 9 – қуриштириш печи; 11 – музлатгич; 12 – секундомер

1-расм. Углеводородларнинг термофизикавий кўрсаткичларини ўлчаш учун қурилмаси

1-жадвалдан кўриш мумкинки, 41°C да 10% товар газ конденсати, 112°C да 50% газ конденсати ажралиб чиқади, охирги қайнаш ҳарорати 176°C ташкил этди, йўқотиш эса фақатгина 1%. Молекуляр оғирлиги 114,4 г / молни ташкил этди.

1-жадвал

Кўкдумалоқ конидан олинadиган товар конденсатининг физик-кимёвий тавсифлари

Кўрсаткич номи	Қиймат
1. Фракциявий таркиби	
Дастлабки қайнаш ҳарорати, °С	41
10% ҳароратда дистилланади, °С	72
20% шу каби	85
30% - « -	95
40% - « -	104
50% - « -	112
60% - « -	121
70% - « -	130
80% - « -	142
90% - « -	163
Охирги қайнаш ҳарорати, °С	176
Ҳайдалган жами, мл	98
Қолдик, %	1
Йўқотишлар, %	1
2. Зичлиги ρ_4^{20} , г/см ³	0,7356
3. Молекуляр массаси, г/моль	114,4
4. Силиш коэффициенти	1,4184
5. Олтингугуртнинг масса улуши, %	0,016
6. Мис пластинкага намунаси	сақланмайди
7. Иссиқлик сақлаш хусусияти, ккал/кг	11341,1
8. Кинематик қовушқоқлик, сСт:	
ҳароратда 0°C	0,82
шу каби 10°C	0,73
- « - 20°C	0,66
- « - 30°C	0,60
- « - 40°C	0,56
- « - 50°C	0,52

2-жадвал

Турли ҳароратларда сув ва нефтнинг термофизикавий хусусиятлари

№	Сув		Нефт				
	$t, ^\circ\text{C}$	$m, \text{ч}^{-1}$	$\alpha \cdot 10^{-4}$ $\text{м}^2/\text{ч}$	$m, \text{ч}^{-1}$	$\alpha \cdot 10^{-4}$ $\text{м}^2/\text{ч}$	$C \cdot 10^3$ $\text{Дж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$	$\rho, \text{кг}/\text{м}^3$
29	13,54	5,33	4,45	1,752	70,0	860	2,93
30	13,54	5,35	4,45	1,758	105,0	860	4,41
31	27,36	5,37	4,52	0,887	62,5	860	1,01
32	27,36	5,38	4,52	0,889	185,0	860	3,93
33	27,36	5,40	4,38	0,864	45,0	860	0,93
34	27,36	5,41	4,38	0,866	46,3	860	0,96
35	28,10	5,43	3,68	0,711	33,0	860	0,56
36	28,10	5,45	3,68	0,714	41,3	860	0,70
37	28,10	5,46	3,68	0,725	30,0	860	0,51
38	28,10	5,48	4,91	0,985	27,1	860	0,62

39	28,10	5,49	4,91	0,959	22,2	860	0,51
40	28,10	5,51	4,91	0,963	21,7	860	0,50
41	28,10	5,52	4,91	0,964	-	-	-


Изоҳ: m – сувнинг совиш тезлиги; α - иссиқлик тарқалиш коэффиценти; C – солиштирма иссиқлик сиғими; ρ – суюқлик зичлиги; λ – иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти.

Суюқликларнинг термофизикавий кўрсаткичларини ўлчаш учун лаборатория курилмаси ёрдамида (1-расм) зичлиги 860 кг/м^3 бўлган Кўкдумалоқ нефти намунаси бўйича тадқиқотлар ўтказилди. $29 \div 41^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида иссиқлик тарқалиши, иссиқлик ўтказувчанлиги ва ўзига хос иссиқлик сиғими қийматлари коэффицентларининг қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

Натижалар таҳлилидан келиб чиқадики, иссиқлик тарқалиш коэффиценти ҳарорат 29 дан 37°C гача кўтарилиши билан пасайиш кузатилади, 37 дан 41°C гача эса ошади; $29 \div 36^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида солиштирма иссиқлик сиғими ўзгариб туради, 36°C дан юқори ҳароратларда эса пасаяди; $29 \div 36^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентининг қийматлари ҳам тебранишларга учрайди ва ҳароратнинг янада ошиши билан улар пасаяди; $29 \div 36^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентининг қийматлари ҳам тебранишларга учрайди ва ҳароратнинг янада ошиши билан улар пасаяди.

Диссертациянинг “Углеводород хомашёсининг гидродинамик хоссаларини ўрганиш” деб номланган учинчи бобида нефт ва газ конденсати хомашёси таркиби, тезлиги ва ҳарорат оқимининг горизонтал қувурнинг гидравлик қаршилигига ΔP таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар натижалари келтирилган.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, углеводород хомашёси ҳаракати пайтида ҳарорат ва оқим тезлигини ҳисобга олган ҳолда қувур ичидаги босимнинг кескин пасайишига маҳаллий қаршилиқнинг таъсирини ўрганиш мақсадида экспериментал курилма йиғилди, унинг принципиал схемаси 2-расмда келтирилган.




2-расм. Тажриба курилмасининг принципиал схемаси

1 - углеводород хомашёси учун идиш; 2 - қувур линияси; 3 - электр насос; 4 – сарфни бошқарувчи винтул; 5 - сарф ўлчагич; 6,10 - манометрлар; 7,9 - термометрлар; 8 - қувур линиясининг синов қисми; 11- қўшимча таянч; 12 - электр иситгич; 13 - лаборатория автотрансформатори (ЛАТР); 14 - вольтметр; 15 - амперметр.


Тажриба давомида лаборатория қурилмасида 0,05÷1,0 м/с оқим тезлигида ва 20÷100°С ҳароратда нефт, газ конденсати ва уларнинг аралашмалари ҳаракати бир неча турдаги маҳаллий қаршиликлар, горизонтал қувурда углеводород хомашёсининг ҳаракати пайтида босимнинг йўқолиши, кескин кенгайиш ва қисқариш, силлиқ кенгайиш ва қисқариш, вентил ва тиргак 90° ёрдамида ёпиқ циклда амалга оширилди.

Газ конденсати ва нефтнинг 1,0 м/с оқим тезлигида ҳарорат ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда қувурдаги босим фарқига маҳаллий қаршиликнинг таъсирини аниқлаш бўйича тажрибаларнинг натижалари 3 ва 4-расмларда келтирилган.

3-расмдан кўришиб турибдики, газ конденсатининг ҳароратининг ошиши билан қовушқоқликнинг пасайиши туфайли гидравлик қаршилик камаяди. Хом ашё ҳароратининг 20 дан 100°С гача кўтарилиши билан қувурнинг силлиқ кенгайиши билан гидравлик қаршилик 786 дан 646 Па гача, секин торайганида - 898÷711 Па, қувурнинг кескин кенгайиши ва торайишида мос равишда 795÷651 Па ва 954÷734 Па камаяди.




3-расм.
Хомашёнинг ҳароратига боғлиқ ҳолда маҳаллий қаршиликнинг босимни кескин пасайишига таъсири



4-расм. Нефтниг ҳароратига боғлиқ холда маҳаллий қаршилиқнинг босимни кескин пасайишига таъсири

4-расмдан кўришиб турибдики, нефтниг экспериментал ускуна қувурининг ўрганилаётган қисмида 1,0 м/с тезликда ҳаракат қилганда, ҳарорат ошиши билан ΔP кўрсаткичи камаяди. Улар қовушқоқлигининг юқори ўзгариши (20°C да газ конденсати 1,07 мм²/с, нефт 6,40 мм²/с) туфайли, қурилманинг гидравлик қаршилиги қувурдаги газ конденсатини ҳайдашдагига қараганда юқори.



5-расм. Суюқ углеводород оқимининг турли тезлигида технологик қувурнинг гидравлик қаршилиқининг ўзгариши

Қувурнинг ички диаметрига, хомашё таркибига ва оқим тезлигига қараб гидравлик қаршилиқ таъсирининг тажрибада ҳисобланган қийматлари 6-8 жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

Нефтгазконденсати оқимининг диаметри $d=15$ мм бўлган горизонтал қувурда умумий гидравлик қаршилигининг 20°C ҳароратда хомашёнинг ҳаракат тезлиги ва таркибига боғлиқлиги.

Хомашёнинг таркиби	Суюқлик тезлиги, м/с				
	0,2	0,4	0,6	0,8	1,0
	Умумий гидравлик қаршилик, Па				
Нефть	330	712	1145	1631	2455
70%Н+30%ГК	190	431	721	1061	1664
50%Н+50%ГК	123	295	516	785	1281
30%Н+70%ГК	94	237	427	665	1111
Газ конденсати	64	175	332	535	925

7-жадвал

Нефтгазконденсати оқимининг диаметри $d=20$ мм бўлган горизонтал қувурда умумий гидравлик қаршилигининг 20°C ҳароратда хомашёнинг ҳаракат тезлиги ва таркибига боғлиқлиги.

Хом ашёнинг таркиби	Суюқлик тезлиги, м/с				
	0,2	0,4	0,6	0,8	1,0
	Умумий гидравлик қаршилик, Па				
Нефть	225	516	872	1293	1780
70%Н+30%ГК	136	335	598	923	1312
50%Н+50%ГК	93	248	465	743	1084
30%Н+70%ГК	75	210	406	662	978
Газ конденсати	55	169	341	571	859

6-жадвалдан кўришиб турибдики, нефт ва газ конденсати оқимининг тезлиги 0,2 дан 1,0 м/с гача ортиши билан қувурдаги умумий гидравлик қаршилик $\Delta P_{\text{умумий}}$ ортади: нефт ҳаракатида - 7,5 марта ($330 \div 2455$ Па), газ конденсати ҳаракатида - 14,4 марта ($64 \div 925$ Па). Умумий гидравлик қаршиликнинг 8,7 дан 11,8 марта пасайиши нефтгазконденсати аралашмалари таркибида газ конденсати улушини 30 дан 70% гача оширилганда кузатилади.

7-жадвалдан кўришиб турибдики, горизонтал қувурдаги оқим тезлиги ортиши билан ($\Delta=0,2 \div 1,0$ м/с оралиғида) барча турдаги хом ашёларда горизонтал қувурнинг ички диаметри $d=20$ мм умумий гидравлик қаршилиги ортиб боради. Юқоридаги оқим тезлигида ҳаракатлантирилганда $\Delta P_{\text{умумий}}$ 70%Н+30%ГК дан ташкил топган нефтгазконденсати аралашмаси - 7,9 марта, горизонтал қувурда 9,6 марта ($136 \div 1312$ Па), 50%Н+50%ГК – 11,6 ($93 \div 1084$ Па) ва 30%Н+70%ГК да - 13 марта ($75 \div 978$ Па) ортади. Газ конденсати горизонтал қувурда ҳаракат қилганда, умумий гидравлик қаршилик 15,6 баробар ортади ($55 \div 859$ Па).

Нефтгазконденсати оқимининг диаметри 25 мм бўлган горизонтал қувурда умумий гидравлик қаршилигининг 20°C ҳароратда хомашёнинг ҳаракат тезлиги ва таркибига боғлиқлиги.

Хом ашёнинг таркиби	Суюқлик тезлиги, м/с				
	0,2	0,4	0,6	0,8	1,0
	Умумий гидравлик қаршилик, Па				
Нефть	148	357	488	955	1344
70%Н+30%ГК	137	245	454	722	1048
50%Н+50%ГК	66	190	372	608	903
30%Н+70%ГК	55	166	332	555	832
Газ конденсати	43	139	290	494	751


8-жадвалдан кўриниб турибдики, горизонтал қувурда ($d=25$ мм) оқим тезлиги 0,2 дан 1,0 м/с гача ошиши билан умумий гидравлик қаршилик ортади: нефт учун - 9 марта ($148 \div 1344$ Па), углеводород аралашмаси учун (70%Н +30%ГК) - 7,6 марта ($137 \div 1048$ Па), 50%Н+50% ГК учун - 13,6 марта ($66 \div 903$ Па), 30%Н+70%ГК учун - 15,2 марта ($55 \div 832$ Па) ва газ конденсати учун - 17, 4 марта ($43 \div 751$ Па).

Диссертациянинг “Саноат шароитида углеводород хомашёсини ташиш жараёни натижаларини тадбиқ этиш” деб номланган тўртинчи бобида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида атмосфера босими остида фракцияларга ажратиш қурилмасига нефтгазконденсати аралашмаларини қувурлар орқали ташиш ва иссиқлик алмашинувчи тизим самарадорлиги таҳлил қилинди (6-расм).

Нефтгазконденсати аралашмасини (10Е) атмосфера босими остида фракцияларга ажратиш қурилмасининг лойиҳавий қуввати $G_{np} = 428$ м³/с. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик регламентига мувофиқ нефтгазконденсати аралашмасидаги нефтнинг ҳажмий улуши 30% ни ташкил этади. Нефт зичлиги $\rho_n = 844$ кг/м³. Нефтнинг иссиқлик сиғими $t_n = 105^\circ\text{C}$ да $C_n = 1,2160$ кЖ/(кг. °С) га тенг.

Насос станциясидан қурилмагачан бўлган қувур линиясининг умумий узунлиги 84 м, ички диаметри 325 мм. Линияда иккита задвижка, 90° бурчакли 6 тиргак ва 250 кВт қувватга эга насос мавжуд.

Қувурлар ичида углеводород аралашмалари ҳаракатининг гидродинамик режимини яхшилаш мақсадида иссиқлик алмаштиргичнинг ички қувурларида турбулент режимини амалга ошириш учун қувурнинг ичига айлантиргич ўрнатилди (7-расм). Айлантиргичнинг геометрик ўлчамлари: узунлиги $L=500$ мм, айланма диаметри $\varnothing = 14$ мм, ички диаметри $\varnothing = 8$ мм.



7-расм. Оқим турбулизацияси учун айлантргич

Тажриба натижаларидан фойдаланиб, хомашёнинг асосий физик-кимёвий ва термофизикавий хусусиятлари аниқланди, шунингдек хомашёнинг иссиқлик узатиш коэффициентларининг қийматлари иссиқлик ташувчидан аппаратнинг ички трубкаси деворининг ташқи юзасига α_1 ва қувурнинг ички деворидан трубанинг узунлиги бўйлаб α_2 хом ашёнинг иситиладиган оқимига қадар L аппаратада ишлаб чиқариш шароитида ҳисоблаб чиқилган.

Углеводород хомашёсини Е-02 иссиқлик алмаштиргичда иссиқлик билан ишлов беришда гидродинамик шароитларга боғлиқ равишда мавжуд ва таклиф этилаётган вариантда иссиқлик бериш, иссиқлик узатиш коэффициентлари ва энергия кўрсаткичларининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

10Е-02 иссиқлик алмаштиргичдаги тажриба натижалари

Кўрсаткичлар номи	Жараёни ташкил этишнинг мавжуд варианты	Жараёни ташкил этишда таклиф этилган варианты	Нисбат
Оқим тезлиги ω , м/с	0,227	0,52	2,3
Рейнольдс мезони Re	3200	6875	2,14
Иссиқлик бериш коэффициенти α_1 , Вт/(м ² К)	389	613	1,57
Иссиқлик бериш коэффициенти α_2 , Вт/(м ² К)	52	116	2,2
Иссиқлик узатиш коэффициенти K , Вт/(м ² К)	33	108	3,2
Гидравлик қаршилик ΔP , кПа	186	132	-1,4
Хом ашёни ҳайдаш учун зарур қувват N , кВт	3,2	2,4	-1,3

9-жадвалда кўришиб турибдики, таклиф қилинган вариантдаги нефтгазконденсати оқимининг тезлиги мавжуд вариантдан 2,3 баравар юқори. Рейнольдс мезони ҳам 2,1 марта ортади ва ламинардан оралиқ-ўтиш

режимига ўтади. Қувурнинг ташқи томонидаги иситиш оқимидан иссиқлик бериш коэффициенти α_1 1,5 марта ортади, ички қувурдан хом ашёга иссиқлик бериш коэффициенти α_2 ҳам 2,2 марта ортади. Жараённинг иссиқлик узатиш коэффициенти K ҳам 3,2 марта ўсиш тенденциясига эга. Ҳароратнинг ошиши ҳамда хомашёнинг қовушқоқлиги ва зичлигининг пасайиши ҳисобига аппаратнинг гидравлик қаршилиги 1,4 марта камаяди. Шу билан бирга, хомашёни ташиш учун двигателнинг қувват сарфи ҳам 1,3 барабар пасайиш тенденциясига эга. Завод ичидаги транспортировкада нефтгазконденсати хомашёсини ташишнинг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш бўйича натижалар 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Конструктив ва технологик кўрсаткичларнинг нефтгазконденсати хомашёсини ташиш жараёни самарадорлигига таъсири (Хом ашёнинг сарфи -150 м³/ч).

Қувур диаметри D , мм	219/8	273/8	325/8
Аралашмалардаги газ конденсатининг улуши, %	72	74	70
Хом ашё ҳарорати, °С	31	31	23
Зичлик ρ , кг/м ³	778	772	787
Кинематик қовушқоқлик ν , м ² /с	1,20	1,16	1,42
Оқим тезлиги ω , м/с	1,10	0,71	0,50
Гидравлик қаршилик ΔP , кПа	24,5	8,5	3,7

Барча қувурлар учун хомашёнинг ҳажмий сарфи 150 м³/соатни ташкил этади. Иш режимида қувур диаметри 325/8 мм, ташиш ҳарорати 23°С, зичлиги 787 кг/м³, кинематик қовушқоқлик 1,42 м²/с, оқим тезлиги 0,50 м/с ва умумий гидравлик қаршилик 3,7 кПа ташкил этади. Хомашёни оптимал ташишни ўрганишда қувур линияси умумий гидравлик қаршилигининг турли ҳароратлар, хомашё таркиби ва қувур линияси диаметрида ҳисоблаб чиқилган. Ҳисобланган маълумотлардан диаметри 273/8 мм ва 31°С ҳарорат энг мақбул эканлиги аниқланди. Бунда, қувур линияси орқали хомашёни ташиш учун компонентлар нисбати 74% газ конденсати + 26% нефт, зичлиги 772 кг/м³, кинематик қовушқоқлик 1,16 м²/с, оқим тезлиги 0,71 м/с ва умумий гидравлик қаршилик 8,5 кПа бўлиши керак. Ушбу таркибли хомашёни ташиш 10Е қурилмасида бирламчи ҳайдаш учун энг мақбул ҳисобланади.


Углеводород хомашёси ҳароратининг оширилиши билан унинг қовушқоқлиги ва зичлиги пасаяди. Кейинчалик, оқувчанликнинг яхшиланиши туфайли линияда умумий гидравлик қаршилик камаяди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 10Е қурилмасидаги гидравлик қаршиликни ҳисоблаш натижалари 11-жадвалда келтирилган.

Бухоро НКИЗ 10E қурилмасининг иссиқлик ва гидродинамик кўрсаткичлари

Қурилманинг белгиланиши	Хомашё ҳарорати, °С		Гидравлик қаршилик ΔP , кПа	Истеъмол қуввати N , кВт
	t_n	t_k		
10E-02	23	31	132	5,5
Қувур линияси иссиқлик алмаштиргичгача	31	31	8,5	0,4
10E-01	31	37	98	4,1
10E-03	37	78	201	8,4
10E-04	78	81	412	17,2
10E-05	81	88	311	13,0
10E-06	88	95	612	25,5
10E-07	95	102	534	22,3
10E-08	102	111	548	22,8
Σ			2856,5	119,0

Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Бухоро НКИЗнинг иссиқлик алмашинувчи қурилмалари ва хомашё қувурларидаги умумий гидравлик қаршилик $8,5 \div 612$ кПа ни, насос двигателнинг қувват сарфи 119 кВт/соатни ташкил қилади.



8-расм. Углеводород хомашёсини бирламчи қайта ишлашнинг тавсия этилган технологик схемаси

Ҳисоблаш натижаларига кўра, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида иссиқлик алмаштиргич E02 қувур линиясининг бошига ўрнатилганда, қуйидаги натижаларни олиш имконини беради:

- линиядаги умумий гидравлик қаршилик 13% га камайди;
- нефтгазконденсати оқимини ташиш учун насоснинг қувват сарфи 13% гача камайди;
- энергияни тежаш йилига 148044 кВт/соатни ташкил этади;
- Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ушбу технологияни жорий этилишидан йиллик иқтисодий самарадорлик 133,2 млн сўмни ташкил этиши мумкин.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижаларига кўра, иссиқлик алмаштиргич E02 қувур линиясининг бошига ўрнатилганда қуйидаги асосий натижаларга эришилди:

- линиядаги умумий гидравлик қаршилик 11,7% га камайди;
- нефтгазконденсати оқимини ташиш учун насоснинг қувват сарфи 33,7% гача камайди;
- энергияни тежаш йилига 487200 кВт/соатни ташкил этди;
- Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ушбу технологияни жорий этилишидан йиллик иқтисодий самарадорлик 292,3 млн сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

Нефтгазконденсати аралашмасини ташишда оптимал режим-конструктив кўрсаткичларни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, қуйидаги хулосага келишимиз мумкин:

- углеводород аралашмасининг 20°C хароратда солиштирма иссиқлик сифими 18,0÷22,0 кЖ/(кг К) ни ташкил қилди; иссиқлик тарқалиш коэффициенти - $0,60-0,74 \cdot 10^{-4}$ м²/соат ва иссиқлик ўтказувчанлиги - 0,29-0,35 Вт/(мК); зичлиги (20°C да) - 860 кг/м³; ҳажмий иссиқлик кенгайиш коэффицентининг қиймати (20°C да) - $2 \cdot 10^{-3}$ К⁻¹;

- ўрганилаётган нефтгазконденсати аралашмасининг гидродинамик, физикавий ва термофизикавий хусусиятларини ўрганиш ва аниқлаш учун лаборатория қурилмаси йиғилди;

- нефт ва газ конденсатининг технологик қувурлар орқали ҳаракатланишида энг юқори қаршиликни 90° бурилиш ва вентил юзага келтиради. Нефтни ташиш жараёнида бу кўрсаткичлар оддий пўлат қувурларга нисбатан 2,43 ва 2,29 марта, газ конденсатини ташиш жараёнида эса 1,15 ва 1,21 марта ошиши аниқланди;

- хомашё таркибида газ конденсатининг улуши 30 дан 70% гача ошиши билан гидравлик қаршилик қиймати оқим тезлиги ва қувур диаметрига боғлиқ ҳолда ўртача 1,3 - 1,8 марта камайд;

- газ конденсатининг фракция таркиби (41 дан 176°C хароратгачан), зичлиги (0,7356 г/см³) ва углеводород гуруҳининг таркиби, шунингдек,

ишлаб чиқариш шароитида газ конденсатининг фракциялар бўйича зичлиги аниқланди;

- нефтгазконденсати аралашмасининг ишлаб чиқариш шароитида термик тайёрлаш технологияси ўрганилди ва углеводородлар оқимининг гидродинамик кўрсаткичларини яхшилаш учун айланмали (завихритель) янги иссиқлик алмашилиш таклиф қилинди;

- таклиф этилаётган технологиянинг оптимал режим-конструктив кўрсаткичлари аниқланди: қувур диаметри $D=273/8$ мм; аралашмадаги газ конденсатининг улуши 74%; хомашёнинг ҳажмий сарфи $Q=150$ м³/соат; хомашё ҳарорати $t = 31^{\circ}\text{C}$; зичлик $\rho= 772$ кг/м³; кинематик қовушқоқлик $\nu=1,16$ мм²/с; оқим тезлиги $\omega = 0,71$ м/с; гидравлик қаршилик $\Delta P = 8,5$ кПа;

- ишлаб чиқариш шароитида такомиллаштирилган E02 иссиқлик алмаштиргичининг тажриба синовлари ўтказилди, бунда асосий технологик кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилди: линиянинг умумий гидравлик қаршилиги 11,7% га; нефтгазконденсати оқими учун қувват сарфи 33,7% гача; электр энергия йилига 487200 кВт/соатгача.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019.К/Т35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУРАХИМОВ САИДРАСУЛ САИДАКБАРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ОПТИМАЛЬНЫХ РЕЖИМНЫХ ПАРАМЕТРОВ
ПРОЦЕССА ПЕРЕКАЧКИ УГЛЕВОДОРОДНОГО СЫРЬЯ В
ТРУБОПРОВОДАХ**

02.00.08 - «Химия и технология нефти и газа»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве Высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистана за номером В 2023.3. PhD /Т3807.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете им. И. Каримова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.iohx.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель:

Туробджанов Садриддин Махаматдинович
доктор технических наук, профессор,
академик

Официальные оппоненты:

Сайдахмедов Шамшитдин Мухтарович
доктор технических наук, ст.науч.сотр.

Тураев Толиб Бозорович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится « 11 » января 2024 г. в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T35.01 при Институте общей и неорганической химии (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, д. 77. Тел.: (99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-56-60, e-mail: iohxanrux@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (зарегистрировано под № 9). Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, д. 77. Тел.: (99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-56-60.

Автореферат диссертации разослан « 29 » декабря 2023 года.
(реестр протокола рассылки № 9 от « 29 » декабря 2023 года).



Б.С. Закиров
Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.

Ш.А.Кулдашева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.

И.Д. Эшметов
Председателя Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире транспортировка нефти и газа, а также продуктов их переработки имеет важное экономическое значение, так как работа промышленных предприятий в каждой народнохозяйственной отрасли зависит от своевременных поставок источников энергии. При этом очень важную роль играют трубопроводы, которые являются основным средством для транспортировки нефтяных и газовых продуктов. Основной задачей при конструировании напорных трубопроводов является определение пропускной способности (расхода), потери давления в трубопроводе, а также выбора оптимального диаметра трубопровода (потока жидкости). По этой причине важным является улучшение гидродинамических режимов в технологических трубопроводах для внутривоздушной перекачки нефтепродуктов за счёт повышения тепловой эффективности устройств, продления срока их службы с помощью снижения тепловых потерь.

На сегодняшний день особую актуальность приобретают исследования, направленные на снижение гидравлического сопротивления в трубопроводах, улучшение гидродинамических показателей жидких углеводородов с целью повышения эффективности движения внутри труб. В связи с этим особое внимание уделяется эффективной организации перекачки углеводородного сырья и их тепловой подготовки, ведутся актуальные научные исследования по изучению гидродинамики потоков нефтегазоконденсатных смесей в трубопроводах и трубчатых теплообменниках, сокращению энергетических расходов, а также разработке научно-практических основ рассматриваемых процессов.

В республике достигаются научно-практические результаты, направленные на повышение качества, модернизацию и диверсификацию производства в нефтеперерабатывающей отрасли, внедрение инновационных технологий, увеличение объемов и качества выпускаемой продукции, а также расширение ее ассортимента. Стратегия действий Республики Узбекистан по дальнейшему развитию определяет задачи "дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов".¹ В связи с этим одним из основных направлений повышения эффективности нефтеперегонной установки на нефтеперерабатывающих заводах является организация транспортировки с обеспечением оптимальных гидродинамических режимов потоков нефтегазоконденсатного сырья в трубчатых теплообменниках и в трубопроводах.

¹Указ президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 года № ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017 - 2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики, предусмотренным в VII разделе «Химические технологии и нанотехнологии».

